



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ
МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ РЕКТОРИНИНГ БУЙРУҒИ

2019 йил “15” 04

№ 358 А/Ф

Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим вазирлигининг
2019 йил 11 апрелдаги 87-04-668-сон
хати ижроси хақида

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2019 йил 10 мартдаги 19/18-19-260-16239-сонли “Қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида”ги такдимномаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 11 апрелдаги 87-04-668-сон хати ижросини таъминлаш мақсадида

Б У Й У Р А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2019 йил 10 мартдаги 19/18-19-260-16239-сонли “Қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида”ги такдимномасида кўрсатилган ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган чора-тадбирлар режаси ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2019 йил 10 мартдаги 19/18-19-260-16239-сонли “Қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида”ги такдимномасида кўрсатилган ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган институтнинг чора-тадбирлар режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ушбу буйруқ ижросининг назорати ўқув ишлари бўйича проректор Б.Мирзаев зиммасига юклатилсин.

Ректор



У.Умурзаков

Институт ректорининг
2019 йил “15” 04 даги
_____ - сонли буйруғига илова

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2019 йил 10 мартдаги 19/18-19-260-16239-сонли “Қонун бузилиши,
унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида”ги
тақдимномасида кўрсатилган ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган
чора-тадбирлар режаси

Т/р	Тадбирлар номи	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
1.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш буйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК-4075-сон қарори талабларига мувофиқ институтда мансаб суиистеъмолчилиги ва давлат мулкани талон-тарож қилиш жиноятларини олдини олиш бўйича профилактика (комплаенс-контроль) тизимини жорий этиш	Доимий	Б.Хасанов И.Хасанов К.Дўсмуродов
2.	Институт раҳбарлари томонидан қўл остидаги ходимлар фаолияти устидан назоратни янада кучайтириш чораларини кўриш	Доимий	Барча проректорлар Факультет деканлари Кафедра мудирлари Бўлим бошликлари
3.	Кадрларни танлаш ва ишга қабул қилишда ҳар бир ходимнинг етарли билимга ва ўз хизмат вазифасига виждонан муносабатда бўлиши, доимий равишда ўз билим савиясини ошириб бориши, ҳалол ва поклик каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш, одоб-ахлоқ қоидаларининг мазмун-моҳияти билан таништириш	Доимий	Барча проректорлар Факультет деканлари Кафедра мудирлари Бўлим бошликлари
4.	Институтда давлат бюджетидан ажратилган ва тулов-контракт асосида топилган маблағларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш	Доимий	Б.Хасанов И.Хасанов Л.Виломова

5.	Товар (иш, хизмат)ларнинг харид қилиниши эҳтиёждан келиб чиқиб, фаолият учун зарурлигини асослаш ва ўртача бозор нархларини чуқур тахлил қилган ҳолда шартномалар тузилишини таъминлашни катъий назоратга олиш	Доимий	Б.Хасанов И.Хасанов
6.	Институтда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини амалдаги меъёрий ҳужжатларга мос равишда аниқ ва тўғри юритилиши доимий назоратга олиш	Доимий	Б.Хасанов И.Хасанов
7.	Институтда иш ҳақи, стипендиялар ва нафақаларни тўғри ҳисобланиши, уларни тулов кайдномаларига мос равишда ўз вақтида тўланиши ҳамда пластик карталарга ўтказилишини доимий назорат қилиш	Доимий	Б.Хасанов И.Хасанов
8.	Институтда коммунал хизматлар учуй тўловларни амалга оширилиши ва бажарилган қурилиш-таъмирлаш ишларининг лойиха-смета ҳужжатларига мувофиқлигини ва сифатини таъминланиши устидан катъий назорат ўрнатиш	Доимий	Б.Хасанов И.Хасанов Т.Собиров